*Шу азиз Ватан—барчамизники!*

# Ишонч

1

1995 йил 7 январь (195)

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси*

## ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

• **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ давлат арбоби ва саркарда, фан ва маданият хомийси соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини 1996 йилнинг октябрь ойида мамлакатимизда кенг миқёсда нишонланиши тўғрисида қарор қабул қилди.**

• НАВОИЙ вилоят кенгашининг бўлиб ўтган биринчи сессиясида республикамиз Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Президентимиз ўз нутқида республикамизда демократия ва кўп партиявийлик асосида ўтган сайлов ҳусусида тўхталди. Сўнг юртбошимиз вилоятнинг республикамиз иқтисодиётида тутган муҳим ўрни ҳақида гапириб, вилоят аҳлига ҳозирги ўтиш давридаги фидокорона за самарали меҳнатлари учун миннатдорчилик билдирди. Шу билан бирга у хўжалик юритиш, фармон ва қарорлар ижроси талаб даражасида эмаслигини қайд этди. Кўпгина ишларни амалга ошириш кўнгилдагидек эмаслигини таъкидлади.

Сессияда республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Ҳалилов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов қатнашди.

• **РЕСПУБЛИКА аҳолисини тадбиркорлик соҳасига кенг кўламда жалб этишни таъминлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳусусий бизнеснинг ролини сифат жиҳатидан ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида"ги фармонга имзо чекди.**

• МАТБУОТДА "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларини рўйхатга олиш тўғрисида" Ўзбекистон республикаси олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг қарори эълон қилинди.

• **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Фармонига биноан Ҳаёт Раҳимович Ғаффоров Навоий вилоятининг ҳокими этиб тайинланди.**

## Бугунги сонда:

4—бет ОИЛА БЮДЖЕТИ: ДАРОМАД ВА БУРОМАД

5-бет ОДАМИЙЛИК САБОҚЛАРИ

6-бет ИЛМИ НУЖУМ ТАЛҚИНЛАРИ

7-бет ОЙНАИ ЖАҲОНДА



Термиз туманидаги консерва заводи жамоаси корхонани ижарага олгандан буён ишлаб чиқариш ҳажмини тобора кенгайтириб боряпти. Афғонистондаги "Афруз" қандолатчилик корхонаси билан ҳамкорликда турли хил ширинликлар тайёрлашни йўлга қўйди. Ўтган кузги мавсумда корхонада икки миллион шартли банка консерва тайёрланди. Яқинда бу ерда томат, мева ва сабзавот қиёмлари ишлаб чиқарадиган қўшимча линия ишга туширилди.

**Суратда: консерва цехининг илғор ишчиси Роҳила Қурбонова.**

**И. ХЎЖАЕВ олган сурат (ЎзА).**

## ЙИЛ ҚУТЛУҒ КЕЛСИН

1994 йил мен учун ҳақиқий синов, тобланиш йили бўлди, десам адашмайман. Бозор иқтисодиёти талабларидан бири бўлмиш тадбиркорлик билан ўзимни синадим.Қишлоқда кичик асфальт цехи, қўштегирмон, пахта титадиган цех, тандир ишлаб чиқариш цехи, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш цехлари ташкил қилдик. Булар анча-мунча машаққат билан дунёга келди. Баъзан техник билимимнинг етишмаслиги, баъзан иқтисодчи эмаслигим қийнади. Лекин инсон ҳаракат қилса ҳамма нарсага эришиши мумкин экан. Бугун яхшигина иқтисодчига, техника устасига ҳам айланиб қолдим. 1994 йилда ишлаб чиқаришни аниқ йўлга қўйиб даромад қила бошладик. 20 га яқин ишчи ўринлари шу йўлда бунёд бўлди. Ҳамюртларим ишлашяпти. Инсон ривожланишдан, интилишдан тўхтар экан ҳаётнинг қизиғи қолмайди. 1995 йилда ҳам тадбиркорликни янада ривожлантирмоқчиман. Ота маҳаллам бўлмиш Офтобчек қишлоғига ҳам битта тегирмон ва обжувоз қуришни мўлжаллаб турибман. 1995 йилдан яна бир тилагим кексайиб қолган, умри пахта экиб, пахта териб ўтган меҳнаткаш деҳқон онамни бир орзусига — яъни муборак Хаж сафарига олиб бориш. Илоҳим йил қутлуғ келсин.

**Эгамберди ХЎЖАМБЕРДИЕВ,**
**Олтинкўл туман "Сайқал" ишлаб чиқариш ижара корхонаси бошлиғи.**

# АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

"Ишонч"нинг муҳтарам мухлислари!

Мана, сизлар кўнгил қўйган газетангизнинг Янги йилдаги илк сони қўлингизда. Уни синчиклаб қараб чиқсангиз, илгарилари кўзингиз тушмаган анчагина янги рукнлар — бошламаларимизни кўрасиз.

Аввало "Ишонч"нинг иқтисодий дарсхонасига эътиборингизни тортмоқчимиз. Бизнингча, дарсхонамиз машғулотлари биронта муштарийни лоқайд қолдирмас. Ўзингиз ўйлаб кўринг-а: оила бюджети ҳақида, унинг манбалари, ушбу тушунчанинг ҳаётимиздаги муҳим ўрни ҳақида, оила жамғармасини режали сарфлаш, иложи бўлса уни бойитиш имкониятлари ҳақида олимлар фикри, маслаҳатлари кимга маъқул келмайди?!

Бугунги шароитда иқтисодий савод чиқаришга кўмаклашувчи, аниқ мақсадга йўналтирилган иқтисодий фаолият кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи ушбу дарсларимизни муттасил ўқиб боришни, имкони борича улардаги маслаҳатларга амал қилишни тавсия этамиз. Чунки, ҳаётмизга чуқур сингиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитларида улар сизга жуда асқотади, ўтиш даври мушкулотларини бир мунча енгил ҳал этишга ёрдам беради.

"Одамийлик сабоқлари". Бу рукн остидаги газета чиқишлари, шубҳасиз, ҳаммамизни эзгуликка, кўпчиликка наф етказиб, ўзи учун ҳам манфаат топишга, одамлар ҳожатини чиқариб, улар кўнглидан жой олишга ўргатади. Уламолар, олимлар қуръон оятлари, пайғамбар ҳадисларига таяниб, холис кишилар гувоҳлик берган воқеа-ҳодисаларга асосланиб, ҳалоллик ва ростгўйликка, меҳру оқибатлиликка, инсонпарварликка, покиза ва ҳар жиҳатдан ибратли умр кечиришга, қусурлардан қутилишга даъват этадилар.

Шу вақтгача биз турли газеталардан Ғарб ва Шарқ мунажжимларининг башоратларини ўқиб келамиз. Бу йил эса биз азиз мухлисларимизни "мусулмонча гороскоп", яъни ўз мунажжимларимизнинг келажак ҳақидаги огоҳлантирувчи башоратларини туҳфа қилишга жазм этдик. Ярим ҳазил — ярим чин маънода энг тўғри башоратни бизнинг газетамиздан ўқийсиз, деб даъво қиламиз. Ҳа, бизга ишонаверинг...

Булар хамир учидан патир холос. Газетамизни диққат билан кузатиб, йил давомида бизга ҳамроҳ бўлган мухлисларни биз ҳар гал ғоят фойдали — ҳам ижтимоий, ҳам маънавий қадр-қимматга эга бўлган янгиликлар, воқеалар, ҳаёт ҳақиқатлари ила таништириб борамиз. Ишбилармонлар тажрибаси-ю, тадбиркорлар ташаббуслари, бизнесменлик сирлари-ю, фаровонлик йўлларини излаш маҳорати ҳақида босиладиган малакали мақолалар, таҳлилий чиқишлар, хабар ва лавҳалар сизнинг бизнес дунёсига кириб боришингизга кўмак беради.

Касаба уюшмалари фаоллари учун қизиқарли ва манфаатли мақола, репортаж, махсус мулоқотлар, ўзаро фикр алмашувларга алоҳида ўрин бериб борилади. Энг яхши касаба уюшмалари бошланғич қўмиталари тажрибаси, ҳудудий ва тармоқ касаба уюшмалари тизимлари фаолияти кенг ёритиб борилади. Уларнинг меҳнаткашлар ижтимоий муҳофазаси бўйича, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар, меҳнатни муҳофаза қилиш ва табиатни асраш бўйича серқирра фаолиятлари, лоқайдлик, тўраларча муносабатлар, лаганбардорлик, порахўрликка қарши курашлари ҳақида таъсирчан, изчил ва ишонарли тарзда ҳикоя қилиб боришга эришилади.

Ёшлар саҳифаси "Ҳилол", тижорат саҳифалари ва бошқа турли-туман рукнларимиз, албатта, сизларга ёқишига ишончимиз комил. Аёлларимиз учун, йигитларимиз учун фойдали маслаҳатлар, тавсиялар газеталаримиз саҳифаларидан мунтазам ўрин олади. "Сўраган экансиз" саҳифамиз янада қизиқарлироқ, малакалироқ ва фойдалироқ бўлиши учун астойдил ғайрат қиламиз.

Бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин-ку, лекин гапимизни шу ерда мухтасар қилиб, сиз азиз мухлисларимизни йил бўйи бизга ҳамроҳ бўлишга, газетамизни мунтазам кузатиб боришга чорлаймиз. Бундан фақат наф кўришингизга ишончингиз комил бўлаверсин, ҳар бир ўқувчимиз — хоҳ у зиёли бўлсин, хоҳ ишчи, ёзувчи ёки деҳқон бўлсин, тадбикору ишбилармон бўлсин — ёшу-қари, йигитлар-у қизларимиз ўзларини қизиқтирган мавзуларни газетамиз саҳифаларидан топиб ўқишига кафолат берамиз.

"Ишонч" сизнинг ишончингизни албатта оқлайди.

# ДАСТУР ВА НИЗОМ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

***Шу кунларда барча бошланғич касаба уюшма қўмиталарида, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда тармоқ касаба уюшмаларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Дастури ва Низоми лойиҳалари ўрганилиб, муҳокама қилинмоқда. Қуйида Фарғона вилояти касаба уюшмаларининг фаоллари ушбу ҳужжатлар бўйича билдирган фикр ва мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.***

Абдураҳим МУҲСИНОВ — Фарғона вилояти касаба уюшмалари Кенгаши ташкилий бўлими мудири муовини: Менга Дастурда ёзилган "Республика касаба уюшмалари ҳам мустақилликка эришиб, юқорининг васийлиги ва амридан ҳалос бўлдилар. Уларда ихтиёрийлик, федерализм ва демократия принциплари қарор топди. Улар обрўли халқаро касаба уюшмалари ташкилотларига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирдилар. Ўз ишларини жаҳонда қабул қилинган нормалар ва принципларга мувофиқ қурмоқдалар" деган гаплар жуда маъқул бўлди. Эркинлик, мустақиллик кишига ишонч, куч-қувват бағишлайди. Касаба уюшмаларимиз яқин кунларда ўз ўрни, обрў-эътиборини тиклаб олади. Лекин бир истагим — лойиҳада касаба уюшма аъзоси ва аъзо бўлмаган меҳнатчи ўртасидаги фарқни аниқроқ, пухтароқ кўрсатилса яхши бўлар эди.

Мунаввархон ЮСУПОВА — Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марғилон шаҳар қўмитаси раиси: — Дастур ва Низом лойиҳасини ўқидим. Лекин битта таклифим бор. Низом лойиҳасининг Касаба уюшмаларининг маблағлари ва мулклари бўлимидаги 8.5 қисмида: "Федерация Марказий кенгаши Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги касаба уюшмалари мол-мулкининг тўла ваколатили эгаси ҳисобланади" дейилган ва бунга барча мол-мулклар қатори пул маблағлари ҳам киритилган. Мустақилликка эришиб, эркинлик, демократияга дадил қадам қўяётган пайтимизда яна биз ўз маблағимизга, мол-мулкимизга эга бўлмас эканмиз-да. Таклифим шуки, тармоқлар ёки янги тузилаётган мувофиқлаштириш кенгашлари ҳам пул маблағлари ва мол-мулкнинг тўла ваколатли эгаси ҳисоблансин.

Маъмуржон ТЎХТАНАЗАРОВ — Тошлоқ тумани касаба уюшмалари кенгаши раиси: — Низомнинг "Касаба уюшмаларининг аъзолари, уларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари" бўлимидаги 3.1. қисмида "Касаба уюшмаларига аъзолик ихтиёрийдир" — дейилади. Яхши. Лекин 3.4 қисмида эса "Аъзолик бадалларини тўлаб боришга мажбурдирлар", деб талаб қилинади. "Тўлаб борадилар" дейилса ҳам бўлади. Шу бўлимнинг 3,5 қисмидаги касаба уюшмаси аъзолигидан ўчириш ва жазо бериш ҳақидаги фикрлар жуда ғалати. Яна шу қисмда шундай жумла бор: "Касаба уюшмасидан чиқарилган шахс умумий асосларда яна касаба уюшма сафига қабул қилиниши мумкин, лекин бунинг учун у ўчирилгандан кейин камида 6 ой ўтиши керак". Хўш, олти ой ичида у қаерда тарбияланади? Ахир касаба уюшмалари — тарбия мактаби эмасми? Ёки олти ой ичида бирон синовдан ўтиши керакми?

Лойиҳада ноаниқ жумлалар ҳам учрайди. "Касаба уюшмаларининг ташкилий тузилиши" бўлимидаги 4.2 қисмида "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига Ўзбекистон касаба уюшмалари таркибини бошланғич касаба уюшмаларининг туман, шаҳар, вилоят, республика, тармоқ ҳудудий уюшмалараро бирлашмалари ташкил этади" деб тушуниб бўлмайдиган жумлалар ёзилган. Бунда менимча "Федерациясига" эмас, "Федерациясининг" деб ёзилса ва шу сўздан кейинги "Ўзбекистон касаба уюшмалари" жумласини олиб ташлаб, ўқилса фикр тушунарли бўларди.

**Таклиф ва мулоҳазаларни**
**С. МАҲМУДОВА ёзиб олди.**
**"Ишонч" мухбири.**

## ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

1. Низом лойиҳасининг 4.2 бандида Касаба уюшмаларининг туман, шаҳар ёки ҳудудий уюшмалараро бирлашмасини тузиш ҳақида айтилган. Бу мақсадга мувофиқ эмас. Яъни вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси билан параллел иш олиб бориш демакдир, бундай тизим ортиқча маблағ ва ортиқча штат деган гап.

2. Лойиҳанинг 4.3 бандида эса нодавлат сектори бўлмиш хусусий, ижара корхоналарининг аксарият кўпчилигида 2—3 тадан одам ишлайди. Шунинг учун бошланғич касаба ташкилотини тузиш учун камида 3 аъзоси бўлса кифоя деб ўйлаймиз.

3. Лойиҳанинг 4.5 бандида касаба уюшмалари туман, шаҳар, вилоят қўмиталари ташкил этишда туман қўмиталари учун 3 минг, шаҳар — 5 минг, вилоят — 20 минг аъзо бўлиши айтилган. Тадбиркорликнинг бизнинг республикада эндигина шаклланаётганини ҳисобга олиб, туманлар учун — 1 минг, шаҳарлар учун — 3 минг, вилоят бўйича 10 минг аъзо бўлиши кўрсатилса.

**Санжарбек БОЛТАБОЕВ.**
**Андижон вилояти тадбиркорлар уюшмаси қўмитаси раиси.**

Мулкчилик шаклларининг ўзгариши, нарх-навонинг эркин ҳолатга ўтиши вазиятида иш ҳақи масаласи, стипендия, нафақалар, ишсизликдан ҳимоя қилиш масалалари алоҳида эътиборга сазовордир. Бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари Дастурида бир қатор фикрлар ёритилган. Ўсиб бораётган ишсизликни олдини олиш, давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва бажаришда касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш, йиллик ёки даврий ишсизликнинг олдини олишда корхоналараро ва тармоқлараро касаба уюшмалари ҳамкорлигини кучайтириш масаласини Дастурда кенг ёритиш мақсадга мувофиқдир:

— ҳуқуқ ва техник нозирлар Низомларини кучайтириш, қуйидаги йўналишлар бўйича давлат хизматини такомиллаштиришга эришиш:

а) давлат тиббиёти ва пуллик поликлиникалар;
б) касаба банклар ва ҳудудий банклар масаласи;
в) солиқлар сиёсати масалаларида;

— касаба уюшмалари аъзоларини аъзо эмаслардан фарқини яратиш учун Низом лойиҳаси 2 — бўлим 2.1. бандини "касаба уюшмаларининг бош вазифаси касаба уюшмалари аъзолари меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ақлий ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилишда ҳаракат бирлигини амалга оширишдан иборатдир" деб ёзиш мақсадга мувофиқдир.

**Маъмуржон ИКРОМОВ,**
**Андижон вилояти касаба уюшмалари бирлашмаси кенгашининг раис муовини.**



**Косонсойдаги шойи тўқиш фабрикасида тайёрланаётган матолар довруғи аллақачон мамлакатимиз ва хорижий элларда ҳам довруғ тараган. Корхона олаётган иқтисодий фойда туфайли тўқувчиларнинг турмуш тарзи яхшиланибгина қолмай, жамоа учун маданий-маиший иншоотлар, савдо тармоқлари бунёд этилаяпти. Жумладан, фабрика қошида ҳашаматли маданият саройи, ҳунар-техника мактаби, хусусий дўкон қурилиб иш бошлади.**

**Сиз суратда тўқув цехида 11 йилдан буён ишлаб келаётган моҳир тўқувчи Маҳфуза Баратовани иш устида кўриб турибсиз.**

**М. МАМАДАМИНОВ олган сурат.**

## КАСБИГА СОДИҚЛАР АНЖУМАНИ

Темир йўл мамлакат қон томири деб аталиши бежиз эмас. Халқ хўжалиги юкларининг асосий қисми темир йўл орқали ташилиши, йўловчиларнинг аксарияти манзилларига пўлат изларда етишлари ҳаммага маълуму машҳур. Ўрта Осиё темир йўли парчаланиб, ундан Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон қисмлари ажраб кетишлари туфайли "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик компанияси вужудга келди. Шу боис бу соҳа меҳнаткашлари бирлашган касаба уюшма ташкилоти ҳам ўз номига яраша — "Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси" дея атала бошлади. Яқинда бўлган ана шу тармоқ касаба уюшмасининг XIV ҳисобот сайлов конференциясида унинг олий органи қурултой бўлиши, раҳбар органи эса Марказий Қўмита бўлиши юзасидан қарор қабул қилинди. Марказқўмнинг Тошкент, Фарғона, Бухоро, Оролбўйи, Қарши темирйўл бўлимлари касаба уюшмалари қўмиталари ҳудудий қўмиталар деб аталадиган бўлди.

Конференцияда ҳисобот маърузаси билан чиққан қўмита раиси А. Абдураҳмонов ўтган беш йил мобайнида қилинган ишларни таҳлил этиб, тармоқ меҳнаткашлари ҳисобот даврида қандай ва қанчалик ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлигини факт ва рақамлар асосида тавсифлаб берди.

Маърузачи компания (собиқ Ўрта Осиё темир йўли) билан тузилган битимнинг ҳамда жойларда имзоланган жамоа шартномаларининг ижроси билан боғлиқ масалалар хусусида тўхталиб, соҳа ишчилари, хизматчилари ва мутахассисларига бериладиган мукофот пулларини оширишга эришилганини алоҳида таъкидлади. Темир йўлда энг асосий вазифа меҳнат интизомидир. У темирдек мустаҳкам бўлиши керак. Томирдан қоннинг равон оқиши учун тармоқ ишчисидан тортиб то компания раисигача ҳамма ўз иш ўрнида хушёр туриши шарт. Акс ҳолда юк ташишу йўловчиларга хизмат қилиш тартиботи бутунлай издан чиқиб кетиши мумкин. Шунга кўра, тармоқда техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофазалаш қонун-қоидаларига аниқ ва изчил амал қилиниши лозим. Бу масалани қўмита ҳисобот даврида ўз раёсат мажлиси ва котибият йиғилишларида 22 марта кўриб чиқди. Бу хусусда 1927 бор текшириш ўтказилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш қонун ва меъёрлари 34,5 минг бор бузилганлиги аниқланди. 1938 ускуна ва механизмлар ишини тўхтатишга тўғри келди. Бу соҳада 422 раҳбарга ўз хизмат вазифаларини бажармаганликлари учун жарималар солинди. Ҳисобот даврида олдинги 5 йилликка нисбатан бахтсиз ҳодисалар 40 фоиз кўп содир бўлганлиги ачинарли бир ҳолдир. Тармоқда ишловчиларни махсус кийим-бош, пойафзал, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш ишлари ҳам яхши эмас.

Маърузачи тармоқда меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш асосий масалалардан бири эканлигини уқдириб, беш йилда 23 минг киши санаторийларда, 15 минг киши дам олиш уйлари ва пансионатларда бўлганини, 14 минг ишчи-хизматчи санаторий-профилакторийларда дам олганлигини, 25 минг ишчи парҳез таомлар билан таъминланганлигини айтиб ўтди.

Ҳисобот даврида 233 ярим минг квадрат метр уй-жой, Қўқон, Жиззах, Ховос, Сирдарё бекатларида болалар боғчалари, Термиз, Тошкент, Шарқ бекатларида мактаблар, Назарбекда, Қарши ва Қўқон бекатларида шифохоналар қурилиб ишга туширилди.

Темирйўлчи ва транспорт қурувчилари учун қурилаётган ҳар бир квадрат метр уй-жой қиймати 12 минг 840 сўм туриши ҳисобга олинса, битта уй бунёд этишнинг ўзи бўлмайди, деди нотиқ. Уй-жой қурилишида бурилиш ясаш учун жуда катта маблағ ва ҳаракат зарур, деб таъкидлади.

Конференцияда тафтиш комиссиясининг раиси Т. Пўлатовнинг ҳам ҳисоботи тингланди.

Маърузалар бўйича музокараларда Тошкент темир йўли бўлими касаба уюшмалари ҳудудий қўмитаси раиси Т. Алимов, темир йўл фахрийлари кенгаши раиси А. Давидов, Фарғона темир йўли бўлими касаба уюшмалари ҳудудий қўмитаси раиси Х. Мусабеков, Тошкент товар бекати вагон депосининг чилангари В. Цветков, Бухоро бекати локомотив депоси касаба уюшма қўмитаси раиси Н. Ергашев, Урганч йўл дистанцияси кадрлар бўлими бошлиғи Б. Каримов, Самарқанд бекати вагон депоси вагон қабул қилувчиси Р. Товмуродов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини З. Қодиров, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик компанияси раиси Н. Эрметов сўзга чиқдилар.

Конференция кўрилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди. Уларда қўмитанинг ва тафтиш комиссиясининг ҳисобот давридаги фаолиятлари қониқарли деб топилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб берилди.

Конференцияда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг аъзолари, тафтиш комиссияси таркиби, Ўзбекистон касаба уюшмалари XV қурултойига делегатлар сайланди. Абдулҳай Абдураҳмонов тармоқ касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раислигига, Александр Николаевич Шеремет раис ўринбосарлигига бир овоздан сайландилар.

Конференция қатнашчилари тармоқ касаба уюшмаси Низомига ўзгартишлар киритилганини маъқулладилар, ҳаракат Дастурини тасдиқладилар.

Конференцияда Марказий Қўмита билан "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик компанияси ўртасида 1995 йил учун тузилган Битим имзоланди.

**Тожибой АЛИМОВ,**
**"Ишонч" мухбири.**

## КАСАБА УЮШМАСИ ЙИЛНОМАСИДАН САҲИФАЛАРИ

**1995 йили Ўзбекистон касаба уюшмаларининг биринчи қурултойи бўлиб ўтганига 70 йил тўлади. Шу муносабат билан газетамизда Ўзбекистон касаба уюшмалари йилномасидан айрим саҳифалар бериб борамиз.**

1925 ЙИЛ 25 МАРТ. Ўзбекистон касаба уюшмалари ташкил топишининг биринчи қурултойи чақирилди. Бу пайтларга келиб республикамиз касаба уюшмалари 90 минг аъзога эга бўлган эди.

1925 ЙИЛ, Бу йил республика касаба уюшмалари тасарруфида 78 клуб, 131 кутубхона, 170 қизил бурчак, 12 қизил чойхона бор эди.

1926 ЙИЛ, 1 ОКТЯБРЬ. Бу даврга келиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари 157048 аъзосига эга бўлиб, унинг 25208 нафари хотин-қизлар эди.

1926 ЙИЛ, 20-27 НОЯБРЬ. Ўзбекистон касаба уюшмалари ташкилотлари Англияда иш ташлаган тоғ қазувчилар жамғармасига 250 минг сўм маблағ ажратади. Америка меҳнат федерацияси эса бор-йўғи 161,2 минг сўмгина ажратган бўлса, Ўзбекистон саноат жиҳатидан кам ривожланганлигига қарамай шунча кўп маблағ эҳсон қилганлиги эътиборга сазовор бўлди.

1927 ЙИЛ, ЯНВАРЬ. "Правда Востока" газетаси таҳририяти республика саноат корхоналари касаба уюшмалари ташкил этган ишлаб чиқариш комиссия мажлиси кўригини ўтказишга муттасаддилик қилди. Комиссия кўригида Қизил шарқ усталари, Тошкентдаги 49-пахта заводи, шунингдек, Бухоро босмахонаси ҳамда Самарқанд пиво заводи ишчилари энг илғор жамоа деб саналди.

1927 ЙИЛ, ДЕКАБРЬ. Ўзбекистон саноат корхоналарида биринчи бор назорат комиссиялари ташкил этилди. Бу комиссиялар кейинчалик ишлаб чиқариш фаолиятларини ва ишлаб чиқариш мажлисларининг ролини ошириш билан шуғулланди.

1927 ЙИЛ. Бу йили касаба уюшмалари ташкилотлари сиёсий оқартув ташкилотлари билан биргаликда саводсизликни битириш бўйича 1324 мактаб ташкил қилди. Бу мактабларда 36930 киши ўқий бошлади. 238 саводсизликни битириш мактаблари харажатларини бошдан-оёқ касаба уюшмалари ўз зиммасига олган эди.

1928 ЙИЛ, АВГУСТ. Тошкентда касаба уюшмалари ташкил қилинган вақтинчалик назорат комиссиясининг биринчи Ўрта Осиё мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда Қизил шарқ устахонаси, Бош Пахта заводи касаба увюшмасининг механик устахонаси, Қизилқиё кони ва Қўқон ёғ заводи назорат комиссиясининг ишлари муҳокама қилинди.

1928 ЙИЛ, 26 НОЯБРЬ — 7 ДЕКАБРЬ. Ўзбекистон касаба уюшмаларининг учинчи қурултойи чақирилди.

1929 ЙИЛ, Бу йилга келиб касаба уюшмалари тасарруфида 133 клуб, 349 кутубхона, 553 қизил бурчак, 244 қизил чойхона мавжуд эди.

1930 ЙИЛ, 25 МАРТ. Тошкент шаҳрида касаба уюшмаларининг ташаббуси билан Ўрта Осиё ишлаб чиқариши ударникларининг биринчи слёти очилди. Бу даврга келиб ишчи ударниклар Ўзбекистонда 12229 нафарни ташкил этган эди.

1930 ЙИЛ, 1 ОКТЯБРЬ. Бу даврга келиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари аъзоларининг сони 277416 нафарга етган эди. Улардан 83593 нафари қишлоқ хўжалиги ишчилари, 37098 нафари қурувчи, 45594 нафари саноат корхоналари ишчилари,35446 нафари автобус ҳайдовчилари ва алоқа ходимлари, 67331 нафари хизматчилар, 8354 нафари бошқа ҳунар эгалари эди.

1931 ЙИЛ, АПРЕЛЬ. Тошкентда Ўзбекистон касаба уюшмалари ташаббуси билан ихтирочилар ва рационализаторларнинг биринчи республика конференцияси чақирилди.

1932 ЙИЛ. Ўзбекистон касаба уюшмаларининг тўртинчи қурултойи чақирилди.

# ЧЕТ ЭЛ КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

**Аъзолик бадаллари бутун дунёда касаба уюшмалари фаолиятини молиявий таъминлашнинг асосини ташкил этади. Айни пайтда турли мамлакатларда касаба уюшмалари органлари бюджетларини шакллантириш ва уларни сарфлашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.**

**Касаба уюшмалари жаҳон конфедерацияси информация хизмати маълумотлари асосида бугун сизларни бир қатор мамлакатлар касаба уюшмаларида молиявий ишларни ташкил этиш тажрибаси билан таништирамиз.**

ОЛМОНИЯ КАСАБА УЮШМАЛАРИ БИРЛАШМАСИ. Бирлашмага 16 тармоқ касаба уюшмалари киради.

Касаба уюшмалари ишлаб туришини таъминлаш учун уларнинг аъзолари ойлик даромадларининг 1 фоизи миқдорида бадал тўлаб борадилар. Давлат томонидан бирон-бир ёрдам, дотация олинмайди.

Аъзолик бадалларидан тушган маблағлар касаба уюшмаси малакали бошқарувини молиявий таъминлаш, уюшма аъзоларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни йўлга қўйиш, касаба уюшмаларининг бошқа ишлардан озод қилинган ходимлари ва аъзолари умумий ҳамда шу соҳа бўйича тайёргарлик даражасини ошириб бориш, тарғиботчилик тадбирлари ва бошқа мақсадлар учун сарфланади.

Тармоқ касаба уюшмалари жами йиғилган аъзолик бадалларининг 12 фоизини немис касаба уюшмалари бирлашмасига ўтказадилар. Бадалларнинг қолган қисми тармоқ касаба уюшмаси Низоми белгилаган тартибда унинг маҳаллий, округ ҳамда марказий органлари ўртасида тақсимланади. Одатда жами тўпланган маблағнинг 15-20 фоизи маҳаллий ташкилотларда қолади.

Олмон касаба уюшмалари бирлашмаси шунингдек, бошқа даромад манбаларига ҳам эга. Умумийлашган хўжалик юритиш банкида ҳиссадорлик (25 фоиз) асосида қатнашиш, тижорат дўконлари тармоғи, "Фольксфюрзори" суғурта компанияси ҳамда "Уммон" нашриётидан келадиган даромадлар шулар жумласидандир.

ИСПАНИЯ ИШЧИ КОМИССИЯЛАРИ. Ишчилар комиссияси касаба уюшмалари конфедерацияси ўз қурултойида белгиланадиган миқдорда тўпланадиган аъзолик бадаллари ҳисобига яшайди. Бадаллар қўлма-қўл йиғилади. Шунинг учун ҳам конфедерация молиявий қийинчиликлар исканжасидан чиқа олмай келмоқда. Ташкилот давлатдан моддий ёрдам олмайди, тижорат ишлари билан ҳам шуғулланмайди.

Касаба уюшмалари аъзоларига кўрсатиладиган ҳуқуқий ёрдамни таъминлаш конфедерация бюджети сарф-харажатларининг асосини ташкил этади:

ФРАНЦИЯ УМУММЕҲНАТ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ. Беш йирик касаба уюшмалари марказларидан бири бўлган бу ташкилот 1 миллиондан ортиқ меҳнаткашларни бирлаштиради. Ойма-ой йиғиладиган аъзолик бадаллари унинг асосий молиявий манбаи ҳисобланади. Бадаллар шахсан тўловлар йўли билан ҳам ойлик маошидан тўғридан-тўғри пул ўтказиш йўли билан ҳам тўпланади.

Тўпланган маблағлар касаба уюшмалари тизимларида демократик тамойиллар асосида тақсимланади. Конфедерал органлар тавсияси асосида аъзолик бадаллари ойлик маошининг 1 фоизи миқдорида белгиланган. Касаба уюшма ташкилотлари тўпланган маблағнинг ўз фаолиятларини ташкил этиш учун етарли қисмини олиб қолиб, қолганини федерал органларгача бўлган юқори ташкилотлар ҳисобига ўтказадилар.

Франция касаба уюшмалари касаба уюшма бюджетидан ташқари яна икки жамғармага эгалик қиладилар. Уларнинг биринчиси конфедерал ташкилотларга ёрдам фонди бўлиб, у касаба уюшмалари билетлари қийматини тўлашдан тушган маблағлардир. Иккинчиси ойлик бадалнинг йилда бир бор йиғиб олинадиган миқдоридан иборат бўлиб, касаба уюшмалараро миллий жамғарма ҳисобланади.

Касаба уюшмаларининг тижорат билан шуғулланишлари Франция қонунлари билан таъқиқлаб қўйилган. Умуммеҳнат конфедерацияси ихтиёрида давлат органлари томонидан маблағ билан таъминлануви ва улар назорати остида иш олиб борувчи бир қанча ассоциациялар мавжуд.

## «Ишонч»нинг иқтисодий дарсхонаси

**Қадрли газетхон!**

**Бугунги кунда ҳар биримиз иқтисодчи бўлишимиз, иқтисодий мезонлар асосида рўзғор юритишга ўрганишимиз заруратини ҳаётнинг ўзи тақазо этмоқда. Зеро ҳар бир оила ўзининг иқтисодий муаммоларини ўзи мустақил ҳал эта олиши, яъни ўз эҳтиёжларини ўзи таъминлай олишига эришиши жамият тараққиётини жадаллаштирувчи муҳим омиллардан биридир.**

**Оилага келадиган даромадларни режалаштириш, уларнинг аниқ манбаларини белгилаб, мўлжалдаги маблағларни қўлга киритиш билан бирга, ана шу маблағни оиланинг жорий харажатлари ҳамда келгуси истиқболини кўзлаб сарфлай олиш кўникмасига эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. "Кўрпангга қараб оёқ узат" дейди халқимиз. Бизнинг мақсадимиз аввало "бўйингизга қараб кўрпа тиктиришни", яъни муносиб ҳаёт кечириш учун оиланинг бутун имкониятларини ишга ўрганишимизга кўмаклашиш. Қолаверса, оила жамғармасидан оқилона, тежамли фойдаланишга доир етук мутахассислар тавсиялари билан таништириб боришдир.**

**Иқтисодий дарсхонамиз сабоқларини иқтисод фанлари доктори, профессор Абдуқодир ўғли Абдусадир олиб борадилар.**

## ОИЛА БЮДЖЕТИ ТУШУНЧАСИ, АҲАМИЯТИ, ВАЗИФАЛАРИ



# ОИЛА БЮДЖЕТИ: ДАРОМАД ВА БУРОМАД

### (БИРИНЧИ ДАРС)

ОИЛА ҳар қандай жамиятнинг асоси. Жамият билан оила орасида бевосита боғланиш бўлиб, у сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий жабҳаларни ўз ичига олади.

Иқтисодий нуқтаи назардан оила бу кичкина жамият. Масалан, давлат иқтисодни бюджет орқали маблағ билан таъминлайди ва бошқаради. Худди шу жараён оилага ҳам тегишли. Аввал бюджет деган сўзнинг маъносини аниқлаб олиб, кейин мулоҳазамизни давом эттирамиз.

Аввало бюджет (budget) французча, инглизча сўз бўлиб, икки хил маънони англатади. Биринчи маъноси, қонуний тартибда, маълум вақтга мўлжалланган давлат даромадлари ва сарф-харажатларининг ёзилиши.

Иккинчи маъноси шундан иборатки, бунда маълум вақтда мўлжалланган давлат, ташкилот, корхона ёки айрим шахснинг кутилаётган даромад ва харажатларининг ҳисоби.

Иккала ҳолда ҳам бюджет маълум вақтга мўлжалланган даромад ва уни сарфлаш режасидир. Шу келтирилган мазмунга асосланиб қуйидаги хулосага келиш мумкинки, яъни оила бюджети бу оиланинг маълум вақтга мўлжалланган даромад ва сарф-харажат режасидир.

Бюджет кўп ҳолда чорак йил, ярим йил ва бир йилга тузилади. Бозор иқтисоди шароитида оила даромадини шакллантиришда, даромад манбаларини белгилаш, уни кўпайтириш,оила молиясини назорат қилиш, сарф-харажатларни режалаштиришда бюджетнинг аҳамияти каттадир.

Оила бюджетини тузиш ва унга қатъиян риоя қилиб оила хўжалигини юритиш ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган.

Бюджет орқали оиланинг молия фаолиятини бошқариш — бу маданият. Ҳар бир оила учун йиллик, ярим йиллик,чоракка мўлжалланган бюджет тузиш ва унга риоя қилиб сарф-харажатларни амалга ошириш кўникмасини ҳосил қилиш керак.

Ривожланган мамлакатларда ҳар бир оила ўз даромад манбалари, даромаднинг миқдори, сарф-харажат турлари, миқдори тўғрисида аниқ маълумотларга эга. Ҳар бир оила ўз бухгалтериясини олиб боради.

Бошқачасига бюджет бу оиланинг асосий молиявий режаси бўлиб, у икки қисмдан иборат бўлади.Биринчи қисми — даромад қисми бўлиб, унда барча маблағлардан тушадиган даромад ўз аксини топади. Иккинчи қисми сарф-харажатлар қисми бўлиб, унда даромад тақсимоти ўз аксини топади.

Аниқ ва самарали оила бюджетини тузиш учун оила аъзоларининг барча даромадларини ва сарф-харажатларини ҳисобга олиб бориш лозим. Бунинг учун махсус дафтар тутилиб, оила аъзоларидан бирортаси барча даромад ва сарф-харажатларни ёзиб бориши керак.Йил охирида бюджетнинг бажарилиши таҳлил қилиниб, ўтган йил якунларига таянган ҳолда кейинги йил бюджети тузилади.Кейинги мақолаларда оила бюджетини тузишга оид аниқ мисол берилади.Лекин ҳар бир оила тўғрисида нафақат унинг аъзолари хулқи, маданияти, эгаллаб турган вазифаси, жамиятда тутган ўрнига қараб фикр мулоҳаза юритилади, балки уларнинг даромадига қараб ҳам баҳо берилади. Чунки оила даромади унинг аъзоларининг иқтисодий потенцалини, истеъмол қобилияти, турмуш тарзи, ҳаётдан мамнун ёки мамнун эмаслигини, уларнинг барча талабларининг қондирилиши даражасини белгилайди.

Агар ҳар бир оила мунтазам ҳар ҳафта, ҳар ой, ҳар йили маълум миқдордаги даромадга эга бўлмаса, унинг турмуши муқобил бўлмайди. Оила мунтазам даромадга эга бўлмаса бу ҳолда унинг моддий аҳволи ва руҳий ҳаёти ҳам жабрланади.

Нормал турмуш тарзини яратиш учун оила етарли пул даромадига эга бўлмаса унинг аъзолари доимо ташвишда бўладилар, асабийлашадилар.

Даромад барча талабларни осонликча қониқтиришга етарли бўлса оила аъзолари ўзларини бахтиёр ҳис қиладилар,қувноқ дақиқалар кўпроқ бўлади.

Кўп ҳолларда оила қанча даромад топгану, қанчасини нимага сарф қилганини билмайди. Бюджетга асосланмай тушган пулга ўйламай уй хўжалиги учун кераксиз нарсаларни олиш қўйиб, кейин қийин аҳволга тушиб қоладиган оилалар ҳам йўқ эмас.

Юқорида кўрпангга қараб оёқ ўзат, деган мақолни эслайлик. Бу оилага нисбатан даромадинга қараб харажат қил дегани.

Бюджет асосида оила хўжалигини олиб бориш, аввало оила даромади ва сарф-харажатлар таркибини келтириб чиқаради. Бунда даромаднинг ҳар бир тури, унинг салмоғи,ўрни маълум бўлади. Худди шу йўсинда харажатларнинг тури, салмоғи, ўрни ҳам шаклланади. Даромад ва харажатлар турларига қараб муқобил ва тасодифий бўлиши мумкин.

Ҳар бир оила мунтазам, кўп даромад келтирадиган йўналишни мустаҳкамлаши ва асосий даромад манбаига айлантиришга ҳаракат қилиши керак.

Сарф-харажатлар ҳам доимий ва тасодифий бўлади. Доимий харажатларга кундалик эҳтиёжларга сарфланадиган харажатлар киради. Булар: озиқ-овқат,электр, газ,телефонга тўланадиган тўловлар. Тасодифий харажатларга кутилмаган вақтда сарфланадиган харажатлар киради. Масалан, бирор ноёб буюм учраб қолиб олинганда кутилмаган харажат қилинади.

Бозор иқтисоди шароитида ҳар бир оиланинг тақдири ўз аъзолари қўлида. Оила бюджети ёрдамида ҳар бир оила кераксиз сарф-харажатларнинг олдини олиб, даромадларини режали сарфлаб, ундан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Оила ўз даромадларини фақат кундалик ва бошқа эҳтиёжлар учунгина эмас, балки унинг бир қисмини қўшимча даромад олишга ҳам ишлатиши керак.Ривожланган мамлакатларда ўртача оила 18 — 20 фоиз даромадини акциялар сотиб олиш ёки бирор ишга тикишга ва шу туфайли қўшимча даромад олишга сарфлайди. Ундан ташқари оилада ҳар хил маросимлар бўлиб туради.Масалан, туғилган кун, тўй-томоша, маърака ва бошқа маросимлар.Бу ҳолда сарф-харажат бир мунча ортади. Бюджет ёрдамида бундай маросимлар ҳам режали ўтказилиши мумкин. Бюджетнинг афзаллиги шундаки, унда даромаднинг миқдори ва манбаларини таҳлил қилиб бориб, қайси манбага кўпроқ эътибор бериш, қайси манбани кучайтириш лозимлиги аниқ ҳал қилинади. Худди шу тариқа сарф-харажатлар, яъни олинадиган буюмлар навбати тузилиши ёки қайси харажатлар камайтирилиши лозимлиги белгиланади.

Оила бюджети оила молия сиёсатининг асоси бўлиб, унинг жамғармаларининг ошиш негиздир ва оила фаровонлигини ошириш манбаидир.

Бюджет орқали оила хўжалигини бошқариш иқтисод асосларини чуқурроқ тушуниб етишга, тажриба орттиришга ёрдам беради. Оиланинг иқтисодий билими чуқурлашади ва ортиб боради. Бюджет орқали оила аъзолари кирим-чиқим, таннарх, фойда, даромад, жамғарма, инвестиция тушунчаларини чуқур ўзлаштирадилар.

Бу соҳадаги тажриба ҳар бир оила ўз потенциалини билиши ва ундан тўла фойдаланиши имконини беради.

Ўзбекистонда аҳоли жон бошининг ўсиш суръатлари анча баланд (6 фоизга яқин). Бу ўз йўлида оила миқдорининг ўсишига ҳам таъсир кўрсатади. Ҳозирда мамлакатимизда 5 миллионга яқин оила бор.

1989 йил аҳоли рўйхатига кўра 18,1% оила икки кишидан, 17,7% — 3 кишидан, 21,2% — 4 кишидан, 14,6% — 5 кишидан, 10,3% — 6 кишидан, 4,2% — 8 кишидан, 2,4% — 9 кишидан, 5% — ўн ва ундан кўп кишидан ташкил топган. Келтирилган маълумотларга қараганда, жами оилаларнинг 28,4% — 6-10 кишидан иборат. Ўртача оила Ўзбекистонда 5 аъзодан иборат.

Шаҳарларда кам сонли оилаларнинг салмоғи кўпроқ. Масалан, Тошкент шаҳрида 68,6% оила 2-4 кишидан иборат. Оила неча нафар аъзодан ташкил топмасин, уларнинг ўз орзу-ҳаваси бор ва ҳар бир оила аъзоси ўз эҳтиёжаларини тўла қондиришга ҳаракат қилади.

Оила мақсадларини амалга оширишда бюджет бир неча вазифаларни бажаради.Аввало бюджет оила даромадларининг жамғарилишига ва уларнинг кўпайишига, кейин оила эҳтиёжларини қониқтиришга тақсимланади. Бюджет ҳар бир оиланинг ижтимоий ва маданий-маънавий ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Оила бюджетининг даромад қисмини шакллантиришда меҳнат ёшига етган ҳар бир оила аъзосиларининг иқтисодий фаоллиги, билимлари, тажрибаси катта роль ўйнайди.

Энди аҳолининг бандлик масаласига келадиган бўлсак эркаклар аёлларга қараганда иш билан кўпроқ банд. Расмий маълумотларга қараганда 30-35% аёллар уй хўжалиги билан банд бўлсада, айниқса қишлоқ жойларида улар жуда катта ҳажмдаги ишларни бажаришади. Оила даромадининг сарф-харажат қисми кўп ҳолда аёллар зиммасида. Тошкент шаҳрининг ўзида 1994 йили уй ва шахсий хўжаликларда 200 мингга яқин аҳоли банд бўлган. Шулардан 85 фоизини аёллар ташкил қилади.

Бозор шароитида оиланинг ўзи ким, қандай иш билан банд бўлишини ҳал қилади. Лекин ишга яроқли оила аъзоларидан қанча кўпи фойдали меҳнат билан банд бўлса оила даромадига шунча даромад қўшилади.

Оила даромадига ким қайси иш билан банд бўлиши ҳам таъсир кўрсатади. Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳрида 27% аҳоли саноат корхоналарида, 12,8% қурилишда, 0,7% қишлоқ хўжалиги, 11% транспорт ва алоқада, 9,2% савдо, овқатланиш, моддий-техника таъминоти ва тайёрлов ташкилотларида, 4,9% уй-жой, коммунал ва маиший хизматда, 8,8% соғлиқни сақлаш, 13,5% халқ таълими, маданият ва санъат, 5,9% фан, 2,6% бошқарув аппаратида ва 3% турли соҳаларда бандлар. Албатта ҳамма соҳада иш ҳақи бир хил эмас. Умуман оила даромадига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар жуда кўп. Бу ҳақда кейинги сабоқларда батафсил фикр юритамиз.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир оила учун ўз хўжалигини бюджет орқали юритиш табиий ҳол бўлиб қолиши керак. Бундан оила ҳам, давлат ҳам манфаатдор бўлади.

### Таҳририятдан:

Азиз газетхон!

Мана биринчи сабоғимизни ўқидингиз. Газетамизнинг 21 январь сонида оила бюджетининг даромад ва харажат қисмлари, уларнинг шаклланиши ҳамда манбалари ҳақида фикр юритилади.

Ўйлаймизки, янги рукнимиз сизларда қизиқиш уйғотади. Шу ҳақда ўз фикр мулоҳазаларингизни таҳририятимизга юборсангиз сизнинг талаб-истакларингиз келгуси сабоқларимизни режалаштиришда албатта қўл келади.

"Ишонч"нинг сиз азиз мухлисларимизга Янги йил совғаларидан яна бири эътиборингизга ҳавола қилинаётган "Одамийлик сабоқлари" рукнидир. Мазкур рукнда инсон ўз орзу-умидларига эришиб муносиб ҳаёт кечириши учун, ҳамиша эл-юрт, маҳалла-кўй, дўст-ёрлар олдида ёруғ юз билан яшаши учун қандай маънавий-ахлоқий тамойилларга риоя қилиши, ўз ҳаётий фаолиятини нималарга суяниб ташкил этиши зарурлиги ҳақида фикр юритилади. Ибратли ҳикоялар, воқеалар асосидаги одамийлик сабоқлари ҳар биримиз учун фойдали бўлади ва сизнинг диққатингизни тортади деган умиддамиз.

## РОСТГЎЙЛИК ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Ростгўйлик инсон насли учун ажиб бир зийнат ва неъматдир. Мусулмон одамнинг энг буюк бойлиги бўлмиш иймон саломат сақланиши учун ҳам шу ростгўйлик шарт қилинади. Расулуллоҳ саллолоҳу алайҳи васалламдан мўмин киши қўрқоқ бўлиши мумкинми, бахил бўлиши мумкинми, деб сўралганда "ҳа" деб жавоб берган эдилар. Аммо, мўмин киши ёлғончи бўлиши мумкинми, деб савол берилганда "йўқ!" деб айтган эдилар. Яна бошқа ҳадисда мўмин киши ароқ ичиб қўядими, ўғирлик қилиб қўйиши мумкинми, деб сўрашганда ҳам "ҳа" деган жавобни берганлар, мўмин одам ёлғон гапирадими деб сўрашганда эса, "Йўқ!" деб айтганлари ривоят қилинган. Яъни одам баъзан билиб-билмай гуноҳ иш қилиб қўйиши табиий воқеълик. Хатосини тушуниб, бу ишлари учун афсус чекиб, тавба қилса Аллоҳ кечиради, аммо ёлғон сўзлаш эса мўмин-мусулмонлик шартига асло тўғри келмайди. Бошқа гуноҳларни билмай қилиб қўйиш мумкиндир-у, аммо ёлғонни ҳеч қачон билмай гапириб қўйиш мумкин эмас. Негаки, ёлғонни инсон ўйлаб, қандай гапирсам, нима қилсам сўзим ишонарли чиқаркин, деб миясида яхшилаб пухталаб, пишитиб кейин гапиради.

Биз ушбу суҳбатда ҳаётдаги кўп зиддиятлар, нохушликлар аксарият ҳолларда баъзи одамларда ростгўйлик хислатининг етишмаслигидан, ёлғончилик, бир-бирига хиёнат қилиш ва алдамчиликдан пайдо бўлишига ишора қилмоқчимиз. Бу ўринда ҳазрат Муҳаммад алайҳиссаломнинг Имом Бухорий китобларида ривоят қилинган бир ҳадисларини келтирамиз:

"Шубҳасиз, ростгўйлик инсонни яхшиликка бошлайди, яхшилик эса, жаннатга олиб боради. Инсон сўзи ва амалида доимо ростгўйликка риоя қилиб боради-да, охири Аллоҳнинг наздида "сиддиқ" (ростгўй) деб эътибор қилинади. Ёлғон одамни албатта гуноҳ, ярамас ишларга бошлайди. Гуноҳ ва ярамас ишлар эса, шаксиз дўзахга етаклайди. Одам ёлғонга ўрганиб қолса, сўзини, ишини ёлғончилик билан давом эттириб бораверадида, охири у Аллоҳнинг ҳузурида "каззоб" (ёлғончи) деб ёзилиб қолади".

Ушбу ҳадисни татар уламоларидан (XIX аср) Ризоуддин ибн Фахриддин ўзларининг "Жавоми-ул-калим" китобларида жуда чиройли тарзда шарҳ қилган эканлар. Мазкур шарҳни ўзгартирмасдан, ўз ҳолича муҳтарам ўқувчиларга тақдим этишни лозим кўрдик:

Одам болаларида мавжуд бўладиган яхши ва ёмон хулқлар жуда кўп бўлса-да, ахлоқ олимлари қошида шу нарсаларнинг ҳаммаси умумлаштирилганда икки хил хулқ атрофида жам бўлади: Бу икки нарса "ростгўйлик" билан "ёлғончилик"дир. Дунёда нимаики яхши ҳислат фазилат мавжуд бўлса, шуларнинг ҳаммаси ростгўйлик доирасига, нимаики ёмонлик, разолат бўлса барчаси ёлғончилик доирасига киради.

Ростгўйликни фикрда ростгўй бўлиш, сўзда ростгўй бўлиш, муомалада, ваъдада ростгўй бўлиш кабиларга ажратиш мумкин.

1. Фикрда ростгўй бўлиш. Бу дегани ўзини-ўзи алдамаслик ва асли йўқ нарсалар билан ҳақиқатни ўзидан йироқлаштирмасликдан иборатдир. Инсон бир нарсани фикрлайди ва шунга эътиқод қилади-да, кейинидан тамагирлик, бесабрлик ёки ғазаб ва ҳасад каби иллатлар туфайли ўз эътиқодига ўзи қарши бўла бошлайди ва ҳақиқатни ўз-ўзидан яширишга чоралар, баҳоналар қидиради ва топади ҳам. Агарда ўша тамагирлик, қаноатсизлик ёки ғазаб ҳасадларини бир четга ташласа эди, шу вақтда аввалги эътиқоди очиқ суратда майдонга чиқар ва шу нарсаларнинг ҳақиқат эканига ўзида заррача шубҳаси қолмас эди.

2. Сўзда ростгўй бўлиш ўзининг эътиқодини ҳеч бир яширмай сўйлай олишдан иборатдир. Бу эса яхши тарбия кўрган кишиларга хос бўлган камолот ҳисобланади. Ўз эътиқодининг хилофини ва ҳақиқат деб билган нарсанинг зидини сўзлаш кишининг тубанлигига, иродасиз, сабот ва матонати йўқ кимса эканига далилдир.

3. Муомалада ростгўй бўлиш эса умуман, ҳаёт ва тириклик, кундалик турмуш тарзининг ҳамма соҳасига даҳлдордир. Бирор нарса сотганда айбларини яширмаслик, инсофли, бўлиш, қарзларни ўз вақтида адо этиш, омонатга хиёнат қилмаслик, бировнинг ҳаққига эҳтиёт бўлиш, буларнинг ҳаммаси муомалада ростгўй бўлиш ҳисобланади.

4. Ваъдада ростгўй бўлиш муомалада ростгўй бўлишга кирса-да, бу кунги мусулмонлар бу тўғрида ҳаддан ортиқ бепарво ва эътиборсиз бўлиб қолганлари учун бу ҳақда алоҳида сўз юритишга эҳтиёж бор.

Ваъдада туриш ёки ваъдага хилоф иш тутиш, бевафолик лозим даражада баҳоланиши керак. Бизда ваъда қилиш жуда кенг тарқалган, шу билан бирга ваъдада турмаслик ҳам кенг тарқалган. Биз бир кишининг таклифига биноан ваъда қиламиз, кейин эса ё бормаймиз ёки кечикиб белгиланган соатда бора олмаймиз. У киши ўзининг ишларини ташлаб кутиб ўтиради, зориқиб интизор бўлади. Биз унинг ишидан қолганини, кўзи тўрт бўлиб кутишини ҳеч эътиборга олмаймиз, "ваъда-қарз" эканлигидан, ваъдага хилоф қилиш мунофиқлик аломати бўлишидан хабаримиз йўқ.

Ҳатто жуда кўпчилик шу ишни бажариш нияти билан эмас, балки "буни қилолмайман" деган сўзни айтишдан уялиб ҳам ваъда бериб юбораверади. Бу эса ваъдада турмасликни эмас, балки бажармаслик нияти билан ваъда қилиш бўлгани учун ҳам икки марта қабоҳатдир. Қўлдан келмайдиган, вафо қилиб бўлмайдиган нарса ҳақида ҳеч вақт ваъда қилмаслик, "бу иш қўлимдан келмайди" деб очиқ-ойдин айтиш зарур.

Бунинг сабаби нима?

Сабаби оддий. Ёшликдаги тарбиянинг номукаммаллиги, рост сўзлаш, ёлғондан сақланиш борасида малака ҳосил қилмасликдир. Бу малака ёшлик вақтидан ота-она томонидан ҳосил қилиниши лозим. Ёш чоғида малака ҳосил қилолмаган киши учун, китобларда ёзилган, минбарлардан сўзланган сўзлардан самара оз бўлади. Кемалардаги капитанлар, поездлардаги машинистлар йўлда ҳеч бир бепарво бўлмасдан ўз машиналарини назорат қилиб боришга қанчалик мажбур бўлсалар, ота-она ва мураббийлар ҳам ёш болаларга шу даражада аҳамият беришлари, ростгўйликка ўргатиб, ёлғондан сақланишга малака ҳосил қилишлари зарур. Болаларга яхши тарбия мана шу равишда берилади. Ростгўйликка ўрганган болаларнинг бошқа ёмон иллатлардан сақланишлари осон бўлади. Чунки дунёдаги мавжуд ёмонликларнинг биронтаси ростгўйлик билан чиқиша олмайди.

Ривоятларга кўра, бир одам Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга келиб, "мен ёлғон гапираман, ўғирлик қиламан, ароқ ичаман, яна бошқа гуноҳларни ҳам қиламан, шу гуноҳларнинг фақат биттасидан тийилишгина қўлимдан келади, холос. Сиз шулардан биттасини айтинг, мен ўшандан тавба қилайин", деди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассаллам "ёлғондан тавба қил" дедилар. Ўша одам ҳақиқатан ҳам ёлғончиликдан тавба қилди. Бир оз вақтдан сўнг бошқа бир гуноҳ иш тўғри келиб қолди. Гуноҳни қилишга чоғланиб турганда, Расуллуллоҳ бу ишимни сўрасалар, тўғрисини айтишим керак, унда менга шариат ҳукми билан жазо берилади, агар тўғрисини айтмасам тавбамни бузган бўламан, деб мазкур гуноҳдан қайтди. Охири шу одам мана шундай йўл билан бошқа гуноҳлардан ҳам қайтишга мажбур бўлди.

Одам болаларини эзгуликка ва жаннатга олиб борадиган ростгўйлик ана шундай ростгўйликдир.

## ХАЁЛАН ТАЪЗИМ ҚИЛАМАН



САМАРҚАНД дарвоза даҳасида Муаттархон опани билмаган одам йўқ. Опа мактабдаги ҳар бир ўқувчининг уйи, кўчаси, ота-онаси, оилавий шароитини яхши биладилар. Ўқувчилар мактабни битириб кетганларидан сўнг ҳам уларнинг ҳаёти, тақдири билан қизиқар, қўлидан келганча уларга ёрдам беришга, йўл-йўриқ кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Эҳ-ҳе, опа қўлида қанчадан-қанча ўқувчилар таҳсил олмади дейсиз! Опага собиқ ўқувчилар томонидан миннатдорчилик сўзлари битилган мактублар, табрик телеграммалари, тўйларга таклиф қоғозлари ҳамон келиб туради. Байрам кунлари уйлари қариндош-уруғ, дўст-биродар, собиқ талаба ва ҳамкасблари билан тўлиб кетади, ўзгача бир файз киради.

Опага қараб ўйланаман: бунчалар эътиборга, ҳурматга қандай эришдилар экан?! Албатта, ҳалол меҳнат, болаларга бўлган меҳр билан. Болалар камолидан қувониш, инсонга ғамхўрлик — опанинг энг асосий фазилатларидан.

Опанинг собиқ ўқувчиси, ҳозирда пойтахтдаги 254-мактабнинг химия муаллими, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳамидулла Абдуллаев у кишининг фазилатлари ҳақида шундай дейди:

— Бизнинг болалигимиз урушнинг оғир йилларига тўғри келган. Ўша пайтда бошланғич синфда бизни Муаттархон опа ўқитар эдилар. Мактабда ҳар бир ўқувчига кунига иккитадан гўмма-сомса тарқатилар эди. Бир куни бетоб бўлиб мактабга боролмай қолдим. Шу куниёқ қўлларида менга аталган иккита сомса билан уйимизга опа кириб келдилар. Гап нарсада эмас, албатта. Лекин шундай қийин пайтда мени — оддий бир ўқувчини ўйлаганлари — опанинг болажонлигидан, болаларга меҳри баландлигидан дарак беради. Мен опадек зиёкор, болажон мураббий бўлишга айни ўшанда аҳд қилганман...

Йиллар ўтди. Ҳозирда опа фахрий дам олишдалар. Дарвоқе, икки оғиз опанинг оилалари ҳақида. Умр йўлдошлари Мақсудхон Эшонхонов ҳам муаллим, ҳуқуқшунослик техникумининг тарих фани ўқитувчиси, ҳозирда меҳнат фахрийси. Уларнинг учала қизлари ҳам олий маълумотли, оилали, ўзидан тинган. Куёв-ўғиллар ҳам олий маълумотли, турли соҳаларда меҳнат қилишмоқда. Опанинг етти нафар набиралари меҳрибон бувижонлари атрофида парвона, опа эса фарзандлар ардоғида.

Муаттархон опа Афандиеванинг эл олдидаги хизматлари ҳам муносиб баҳоланган. У киши бир неча нишонлар, бир қатор медаллар, фахрий ёрлиқлари билан тақдирланганлар...

... Ҳар тонг 13-мактаб дарвозасига қадам қўяр эканман, шу улуғ инсонлар ўтган муқаддас даргоҳга қўлимдан етаклаб олиб келган, менга ҳаётдан, қадриятдан сабоқ берган, ўқитувчилик касбининг сиру асрорларидан воқиф этган устозим Муаттархон опага хаёлан таъзим қиламан.

**Осиё ҚАҲҲОРОВА.**

## ҲЕЧ КИМ ЗОРИҚИШ СЕЗМАЙДИ

БУГУНГИ бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида меҳнаткашни ижтимоий муҳофазалашдек эзгу ниятга бел боғландими, бунинг учун биринчи навбатда етарли моддий замин тайёрлаш лозим. Одамларни ҳар жиҳатдан қўллаш учун хўжалик ёки ташкилот хазинасида етарли даражада пул, омборида дон бўлиши зарур.

Косонсой туманидаги узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган "Шарқ юлдузи" жамоа хўжалиги бошлиғи Абдуҳаким Худойназаровнинг сўзи билан иши бир. Шунинг учун ишлаб чиқаришни уюштиришнинг илғор усулларини жорий қилиш билан йил давомида барча тармоқда 344 пудратчи жамоа юксак натижаларга эришмоқда. Ўтган йил кўпинча жойларда узумга зарар етганига қарамай, унинг тасарруфидаги боғ мевалари серҳосил, сершира бўлиб етилди. Ёқубжон Тўхтаназаров, Муҳаммаддодил Турамов, Кибриёхон Муталова, Рустам Сулаймоновдек пудратчилар гектаридан 118-120 центнердан узум ҳосили олиб, йиллик маррани биринчилар қатори эгалладилар. Абдулла Ҳамидов бошлиқ бригада йиллик режани 6 иш кунидаёқ уддалади. Дадамирза Мирзабоев, Маъруфжон Мадаминовлар раҳбарлигидаги токчилик бригадалари ҳам ҳар қачонгидан зиёдроқ ҳосил йиғиштириб олдилар. Умуман хўжалик миқёсида 3600 тоннага яқин узум тайёрланиб, режа ошириб адо этилди.

Боғлар ва экинзорлардан мўл ҳосил олинганлиги хўжалик хазинасига барака киритди. Барча соҳаларда 7,5 миллион сўм ялпи даромад олишга эришилди. Шундан 2 миллион 200 минг сўми соф фойдани ташкил этади. Рентабеллик даражаси эса 44 фоизга, ҳар бир ишловчининг ўртача йиллик даромади 3,5-4 минг сўмданга тўғри келмоқда.

-Биз хўжалигимиз иқтисоди мустаҳкамланаётганидан фуқароларимиз наф кўришлигини, қарияларимиз, кўп болали оилалар, ёрдамга муҳтож кишилар фойдаланишларини истаймиз, -дейди хўжалик бошқаруви раиси Абдулҳаким Худойназаров. -Ҳозиргача аҳолига 159 тонна буғдой тарқатилди. Ҳар жон бошига 100 килограммдан пиёз, картошка, сабзи бердик. Уй жониворларини ҳам ем-хашак билан таъминлашни йўлга қўйдик. Булардан ташқари, касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда 22 нафар қарияларга, 20дан ортиқ кўп болали оилага ёрдам кўрсатилмоқда. Зеро, энг катта бойлик, бу инсон ва унинг саломатлиги, ҳар иккиси бор экан, бугунги қийинчиликлар тез орада ортда қолади.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**

## ХУСУСИЙ ЧОЙХОНА

Мустақиллик, эркин фаолият, ташаббускорлик хайрли ишларга йўл очмоқда. Буни Бухорои шариф мисолида ҳам кўриш мумкин. Шаҳарнинг С. Муродов номли кўчасида — илгари ташландиқ бўлган жойда Янги йил арафасида кўркам, замонавий чойхона биноси қад кўтарди. Уни Исматилла Неъматов бошлиқ бир гуруҳ тадбиркорлар ўз маблағлари ҳисобидан барпо этдилар. Тўғри, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари ҳам зарур ёрдамни аямадилар. Қурилишга моҳир, қўли гул усталар жалб этилди. Натижада миллий таомлар тайёрланадиган 300 ўринли ана шу муҳташам маскан тез фурсатда қуриб битказилди.

"Иззатиллаобод" чойхонаси келгусида шаҳар меҳнаткашлари, шунингдек ҳурматли меҳмонлар учун беминнат хизмат кўрсатадиган кўнгилочар манзилга айланиши шубҳасиз. Чунки бу ерда тўй ва маъракаларни ўтказиш, мароқли ҳордиқ чиқариш учун барча шароит муҳайё.

**Н. ТОШЕВ, "Ишонч" мухбири.**

## Газета — газетхон — газета

# КЕЛАЖАК ЁШЛАР ҚЎЛИДА

МЕН 40 йилга яқин ўқитувчилик қилдим. "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" нишонига, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" унвонига эгаман. Оддий муаллим сифатида мени Ўзбекистонимизнинг, айниқса, халқ таълими тизимида юз бераётган ислоҳотлар қизиқтиради. Бу борада катта ишлар қилинаётганидан хурсандман.

Кекса маорифчи сифатида 70 йилдан зиёд давом этган бир қолипда ишлаш етар энди, дегим келади. Чор-атрофимизга қараб иш юритайлик. Бола билса, билмаса, хоҳласа хоҳламаса ўрта мактабни тугатиши шартми? Беш бармоқ баробар бўлмаганидек, улар орасида ҳунарга мойиллик билдирганлари ҳам, билим кетидан қувлаганлари ҳам бор. Шундай экан, 1995 йил шу соҳада чинакамига ислоҳот, ўзгаришлар йили бўлсин. Билса-билмаса, ҳаммага ўрта маълумот гувоҳномаси беришга чек қўйиш фурсати етди. Иқтидорли болаларнигина қўллаб-қувватлаб улар камолоти учун зарур шароит яратиб берайлик, токи, бу йўналишда сарфланаётган маблағ ўз ўрнига борсин!

**Нақибжон ЁҚУБЖОНОВ,**
**Янгиқўрғон туман, Заркент қишлоғида яшовчи нафақадаги муаллим.**

# ИЛМИ НУЖУМ ТАЛҚИНЛАРИ

**Азиз муштарийлар !**

**Сизлар турли газеталардан Шарқ ва Ғарб мунажжимларининг келгуси ҳафтада кунлар қандай келиши ҳақидаги "башорат"ларини ўқиб келяпсиз. Аммо илми нужумнинг арабча тавқим, туркий йилномаси асосидаги талқинлари ҳануз учрагани йўқ. Баъзи вақтли нашрлар бу бўшлиқни тўлдириш учун рус тилидан таржималар беришяпти.**

**"Ишонч"нинг қўлингиздаги илк сонидан бошлаб кўпчиликни қизиқтирадиган шу мавзуни газета саҳифасига олиб чиқишга қарор қилдик.**

**Дастлаб эътиборингизга кунлар ва ойларнинг арабча исломий талқинларини ҳавола этамиз.**

**ЖУМА** – Мусулмонлар байрами, кунларнинг энг улуғи. Абу Хурайра ривоят қиладиларки, Расулуллоҳ айтдилар: Кунларнинг энг улуғи жума кунидир. Бу кунда Одам Алайҳис-салом яратилганлар ва шу кунда жаннатга киргизилганлар ҳамда шу куни ер юзига туширилганлар. Худди шу куни Одам Алайҳис-салом тавба қилиб, Аллоҳ Таоло у кишини тавбасини қабул қилгандир. Жума куни қиёмат бўладиган кун. Жума кунида шундай бир пайт бор-ки, унда инсон Аллоҳдан яхшилик сўраса, Аллоҳ унга албатта ато қилади.Ибни Масъуд Разиаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича: "Кимки Жума куни тирноғини олса, Аллоҳ уни дардлардан ҳалос қилиб, шифо беради. Асмоий айтадилар: Жума куни Хорун-ар Рашиднинг олдига кирсам, у киши тирноқларини олиб турган эканлар ва шундай дедилар: "Жума куни тирноқ олиш суннатдир ва у камбағалликни кетказади".

**ШАНБА** – Яҳудийлар байрами. Калбий айтадилар: Мусо Алайҳис-салом Баний Исроил қавмига ҳафтанинг ичида бир кунни фақат Аллоҳни ибодатига ажратиб қўйишларини буюрганларида,улар Шанба кунини белгиладилар. Уларнинг фикрича бу кун Аллоҳ Таоло маҳлуқотларни яратиб фориғ бўлган кун. Шунинг учун бу куни бошланган иш келаси шанбагача давом этади. Яҳудийлар шанба куни бировга бирон нарса бермайдилар ҳам, олмайдилар ҳам. Деҳқонлар шанба куни ўтказилган кўчат таг олмайди, дейишади.Лекин ҳақиқатда ундай эмас. Расулуллоҳ Муҳаммад Алайҳис-салом айтганлар: Аллоҳ Таоло мени умматларимга Чоршанба ва Шанба топганини баракотли қилди, деб.

**ЯКШАНБА** – Христианлар байрами. Якшанба дунё бошланган биринчи кун. Бу кун – Аллоҳ-Таоло оламни ярата бошлаган кун.

**ДУШАНБА** – Баракотли кун. Шу кунда Расулуллоҳ дунёга келганлар, шу кунда у кишига пайғамбарлик келган. Шу кунда Маккадан Мадинага ҳижрат қилганлар, шу кунда Мадинага кириб келганлар ва шу кунда дунёдан кўз юмганлар.

Душанба ва Чоршанба кунлари Расулуллоҳ кўп ибодат қилар эдилар. Нафл намоз ўқир, Рўза тутар эдилар ва марҳамат қилар эдилар: "Бу икки кунда амаллар Аллоҳ Таоло томонидан қабул қилинади. Мен ҳам амалларим қабул бўлишини истайман", – деганлар.

**СЕШАНБА** – Бу кунлар шартномалар, битимлар тузилса яхши бўлади. Ўз соғлиғи билан шуғулланиш ҳам бу кунда фойдали. Қон олдиришдан ҳам яхши наф бўлади.

**ЧОРШАНБА** – Яхшилиги кам бўлган кун. Ҳар ойнинг охирги чоршанбаси бутунлай нахс кўп ҳисобланади. Чоршанба куни ҳаммом қилиш фойдали.

**ПАЙШАНБА** – Баракотли кун. Хусусан, ҳожатларни сўраш ва сафарга чиқишга. Абдураҳмон Каъб бин Маликнинг ривоятларига қараганда: Расулуллоҳ сафарга чиқмоқчи бўлсалар фақат пайшанба куни чиқар эдилар. Бу куни қон олдиришни ёмон кўрардилар.

# АРАБ ОЙЛАРИ ҚУЁШ ТАҚВИМИ БЎЙИЧА

**Улар қуйидагича номланади; Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадди, Далв, Ҳут. Бу ойларнинг ҳар бири ўзига ҳос хусусиятлари ва мижозларга эга. Ҳар ойнинг дастлабки кунлари улар билан сизларни таништириб борамиз.**

Ҳозир далв ойидамиз (у 3 январ куни бошланган) . Уни мижози қуруқдир. Бу ой бошида нахс аралаш ҳисобланади. Бу ойни бошида ғазаб, душманлик ва алоқаларнинг узилиши кўпаяди. Шу кунлар бошланган ишларнинг оқибати мақтовга сазовор бўлмайди. Бундаги савдо-сотиқ ҳам ёмон кўрилгандир. Лекин бу пайтда яхшилик қилинса, экин экилса ё кавланса дуруст бўлур. Бу ўн кунликда ер комидаги қазилмалар, кўмилган нарсалар юзага чиқади.

Кимки далв ойининг аввалги 10 кунлигида туғилган бўлса, яхши, баракатли бўлади. Дунёга жуда ҳам ўч бўлади, такаббурликка мойил бўлади.

Далв иккинчи ўн кунлигига келсак, унда яхшилик ва ёмонлик аралаш бўлади. Бу пайт уй ҳайвонларини сотиб олишга, қариялар билан бирга бўлишга, қудуқ, ариқ (канал) қазиш ишларига салоҳиятлидур. Бу даврда қийин, машаққатли ишларни қилиш муваффақиятли тугайди.

Кимки Далвнинг иккинчи ўн кунлигида туғилган бўлса, у баракатли ва солиҳ инсон бўлади.

Далвни охирги ҳафтасида ҳар қандай ишни қилса бўлади. Айниқса, севги-муҳаббат ишлари бу пайтда бошланса яхши бўлади. Кишилар ўртасида бўлиб ўтган жанжалларни тинчитиб,уларни яраштириш муваффақиятли тугайди. Бу даврда катта амалдорлар қабулига кириш яхши натижа беради. Яхшилик ишларидан қайси бирини қилсанг ҳам у муваффақиятли тугайди.

Ким бу даврда туғилган бўлса яхши одамларни севадиган киши бўлади.

# "ИШОНЧ"ГА ИСТАКЛАР

***"ИШОНЧ" газетасининг Хоразмда ҳам минглаб ихлосмандлари бор. Яқинда газета таҳририяти ўз ихлосмандларининг орзу-интилишлари, фикри, меҳнатлари билан яқинроқ танишиш, янги — 1995 йилда улар ҳаётининг газета саҳифаларида ёритилишини яхшилаш мақсадида вилоятда "Ишонч" кунларини ўтказди. Газета ходимлари Хоразмнинг шаҳру қишлоқларида, ишлаб чиқариш корхоналари, касаба уюшма ташкилотларида бўлиб меҳнаткашлар билан учрашдилар. Учашувларда вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси ўринбосари О.Болтаев, газета бўлим мудири Т. Алимов, касаба уюшмаси фаоллари иштирок этишди.***

ХИВА гилам ишлаб чиқариш бирлашмаси, Хонқа ҳамда Боғот туманларида "Ишонч" газетаси ходимлари билан бўлиб ўтган мулоқотда ишчи-хизматчилар, касаба уюшмаси фаоллари, мутахассислар газета ҳақида, унинг мавзуларининг янада яхшилаш ва кенгайтириш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**ХИВА. Қадамбой Назаров — гилам ишлаб чиқариш бирлашмаси иш бошқарувчиси:** "Ишонч" газетасини ўқиб борамиз. Айниқса, унинг "Биздан сўрабсиз" рукни бизга жуда ёқади. Янги қонун-қоидалар жуда кўп чиқяпти.Масалан, мулкчиликнинг ҳиссадорлик жамияти, жамоа корхонаси сингари янги шакллари ҳаётга кириб келди. Газетада шу ҳақда кўпроқ материаллар берилса, уларнинг имкониятлари кенгроқ очиб берилса яхши бўларди.

**Раҳимбой Каримов — "Гиламчи" газетаси мухбири:** Уч йилдан буён Хива туманининг "Хива тонги" газетаси саҳифаларида "Гиламчи" газетасини чиқариб келаяпмиз. Менинг ўзим корхонада 15 йилдан буён ишлайман. Жамоамизда ибратли тажрибалар, хайрли ташаббуслар анчагина. Касаба уюшма қўмитаси ҳам серқирра фаолият кўрсатяпти. "Ишонч" газетасининг мухлисиман.Мавзулари менга ёқади.Газетада чет эл ҳаёти, айниқса ишчилар ҳаёти кўпроқ ёритилишини истайман. Дам олиш саҳифасини кенгайтириш керак.

**Шиҳназар Ёқубов — меҳнат фахрийси:** Бирлашмамиз республикамизнинг энг йирик ва ноёб корхоналаридан бири саналади.Шароитлари яхши. Лекин республика миқёсида, шу жумладан "Ишонч" газетасида бирлашмамиз ҳаёти яхши ёритилмаяпти.

**Адолат Абдуллаева — ҳисобчи:** Оиламиз билан "Ишонч" газетасини севиб ўқиймиз. Янги йилда ҳам унинг ҳар бир сони ишонч билан, бахт билан, қут-барака билан кириб келса, мавзулари янада кенгайса, Хивамизнинг 2500 йиллиги олдидан мақолалар берилса...

**Озода Отажонова — бирлашма касаба уюшма қўмитаси раиси:** "Ишонч" газетасини ўқиб борамиз. Айниқса, бизга газетанинг бир қатор рукнлари: "Касаба уюшмалари ҳаёти", "Биздан сўрабсиз", яхши ёрдам беряпти. Газетада кўпроқ тузилаётган жамоа шартномалари матнлари бериб борилса, Бизда ҳам бу соҳада яхши тажрибалар бор. 30 ишчини касаба уюшма маблағи ҳисобидан "Ишонч" газетасига обуна қилдик.

**ХОНҚА. Сотимбой Раҳимов — халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитаси раиси:** Янги қонунлар ҳақида ҳуқуқшунослар чиқиб турсалар яхши бўларди. Халқ таълими муаммолари ҳам кенгроқ ёритилса...

**Комилжон Болтаев — соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитаси раиси:** Газетада тиббиёт муассасалари, шифокорлар ҳаёти чамамда камроқ ёритиляпти.

**Матмурод Давлатов — "Олтин соҳил" жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси:** Газета кучли бўлиши керак. Шунда унинг ўқувчилари кўп бўларди. Газетанинг ҳажми оз. Шу боис мавзулар камроқдай.

**Юсуфбой Қиличев — "Хоразм" жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси:** "Ишонч" газетасининг халқ ичида обрўси яхши. Оддий кишилар ҳаётидан кўпроқ мақолалар берилса...

**БОҒОТ. Қуронбой Рўзибоев — халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитаси раиси:** Халқ таълими ходимларининг ҳаёти кам ёритиляпти. Мавзуларни янада кенгайтириш лозим. Вилоятимизда касаба уюшмаларининг ибратли тажрибалари кўп.

**Шуҳрат Бектурдиев — туман молия бўлими ходими:** Туманимизда ёш мутахассислар жуда кўп. Улардан фойдаланиш ҳақида ёритилса яхши бўларди.

**Илҳомбой Оллаберганов — Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи туман кенгаши ходими:** Иқтисодий масалалар чуқурроқ ёритилса дейман.

**Мадамин Сафоев — туман маданият бўлими касаба уюшма қўмитаси раиси:** Маданият бўлимларида жуда кўп хотин-қизлар ишлайдилар. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида, тармоқ касаба уюшмалари тўғрисида кўпроқ мақолалар берилишини таклиф қилардим.

**Улуғбек Иброҳимов — Боғот тикувчилик фабрикаси касаба уюшма қўмитаси раиси:** Касаба уюшма маблағларидан фойдаланишда қийинчиликлар бўляпти...

**Самандар Абдуллаев — деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитаси раиси:** Бизга газета қандай ишлашни ўргатяпти. Иқтисодий қийинчиликлар шароитида туманимизда кам даромадли, ночор яшаётган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида анча ишлар қилинмоқда. Умуман, бу борадаги ишларни газетада кенгроқ ёритиш керак.

Кейинги вақтларда касаба уюшма ходимлари ўқувлари ўтказилмаяпти. Ахир қанчалаб янги қонунлар, янгича иқтисодий қоидалар жорий қилинди, мулкчилик шакли ўзгарди, иқтисодий ислоҳотлар давом этаяпти. Газета касаба уюшма ходимлари маҳоратини ошириш масалаларини ҳам кўтариб чиқиши мумкинку ахир.

**Шиҳназар АҲМЕДОВ,**
**"Ишонч" мухбири.**

# 1995 йил

## ЯНВАРЬ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| С | | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ч | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| П | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ж | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Ш | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| **Я** | **1** | **8** | **15** | **22** | **29** | |

## ФЕВРАЛЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| С | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ч | 1 | 8 | 15 | 22 | |
| П | 2 | 9 | 16 | 23 | |
| Ж | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| Ш | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| **Я** | **5** | **12** | **19** | **26** | |

## МАРТ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| С | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ч | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| П | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ж | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ш | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| **Я** | **5** | **12** | **19** | **26** | |

## АПРЕЛЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 3 | 10 | 17 | 24 |
| С | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| Ч | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| П | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Ж | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ш | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| **Я** | **2** | **9** | **16** | **23** | **30** |

## МАЙ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| С | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ч | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| П | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ж | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ш | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| **Я** | **7** | **14** | **21** | **28** | |

## ИЮНЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| С | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Ч | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| П | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ж | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ш | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| **Я** | **4** | **11** | **18** | **25** | |

## "ИШОНЧ" — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ



**Муҳтарам касаба уюшмаси фаоллари.**

**Азиз газетхонлар!**

"Ишонч"нинг биринчи сонини ўқиб чиқдингиз. Сизга манзур бўлган бўлса, у ҳолда хонадонингизда яна бир суҳбатдош кўпайганлигидан хурсандмиз. Келгуси сони қандай чиқаркин, қаердан топсам экан? деган ўйдан ташвишланманг. Бунинг иложи бор.

Сиз азизлар, 10 ЯНВАРГАЧА обуна бўлишга улгурсангиз февраль ойининг биринчи ҳафтасидан бошлаб то йил охиригача газетани хотиржам ўқийверасиз. Борди-ю, улгурмасангиз унда яна бир ойга кечикасиз.

"Ишонч" — мамлакатимизда энг арзон газеталардан бири.

Обуна бўлишга шошилинг!

**Фуқароларнинг якка тартибдаги обуна баҳоси: 88 сўм 10 тийин**

**Корхона ва ташкилотларнинг обуна баҳоси: 163 сўм.**

## ИЮЛЬ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| С | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ч | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| П | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Ж | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Ш | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |
| **Я** | **2** | **9** | **16** | **23** | **30** | |

## АВГУСТ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| С | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ч | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| П | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ж | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ш | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| **Я** | **6** | **13** | **20** | **27** | |

## СЕНТЯБРЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| С | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Ч | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| П | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ж | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ш | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| **Я** | **3** | **10** | **17** | **24** | |

## ОКТЯБРЬ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| С | | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ч | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| П | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ж | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Ш | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| **Я** | **1** | **8** | **15** | **22** | **29** | |

## НОЯБРЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| С | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ч | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| П | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ж | 3 | 10 | 17 | 23 | |
| Ш | 4 | 11 | 18 | 24 | |
| **Я** | **5** | **12** | **19** | **25** | |

## ДЕКАБРЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| С | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Ч | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| П | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ж | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ш | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| **Я** | **3** | **10** | **17** | **24** | **31** |

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир

Саидакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ, Абдуманноп АЛИМБОЕВ, Дилбар ЖАҲОНГИРОВА, Турғунбой МАДИЁРОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ, Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА, Баҳодир УМУРЗОҚОВ, Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ.

• Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
• Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
• Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

• Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63
• Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43
• ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Андижонда — 5-23-10
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда — 2-24-98
Жиззахда — 2-31-41
Навоийда — 3-52-99
Наманганда — 6-22-10
Нукусда — 2-44-46
Самарқандда — 35-64-22
Термизда — 2-70-07
Тошкентда — 56-82-79
Фарғонада — 4-28-29
Урганчда — 6-03-40
Қаршида — 5-33-71

• Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.




• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
• СОТУВДА эркин нархда.
• Шанба кунлари чиқади.
• Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00

• Навбатчи масъул:
Тожибой АЛИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.
• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.
• IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили. «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. • Буюртма Г-0030.
Г 2 3 4 5 6